

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ЛАКУНАЛАР****Баходирова Шахло Баходировна**

Чирчиқ давлат Педагогика институти таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7439913>

**Аннотация.** Хозирги кунда дунё олимлари томонидан лакуналарни ўрганишга қизиқиши ортмоқда. Лакуна термини ўзбек тилишунослиги ва таржимашунослигидан ҳам мустаҳкам ўрин олди. Натижада ўзбек тилишунослигида махсус «лакунология» соҳаси вужудга келди. Ушбу мақола лакуналарнинг ўзбек тилидаги ўрганилиши жараёнига бағишланган.

**Калим сўзлар:** термин, лакуна, ўзбек тили, илмий, тилишунослик.

**ЛАКУНЫ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ**

**Аннотация.** Сегодня ученые мира все больше интересуются изучением лакун. Термин лакуна занял прочное место и в узбекском языкознании и переводоведении. В результате в узбекском языкознании было создано особое направление «лакунология». Данная статья посвящена процессу изучения лакун в узбекском языке.

**Ключевые слова:** термин, лакуна, узбекский язык, научный, языкознание.

**LACUNAS IN UZBEK**

**Abstract.** Today, scientists around the world are increasingly interested in the study of lacunae. The term lacuna has taken a strong place in Uzbek linguistics and translation studies. As a result, a special direction "lacunology" was created in Uzbek linguistics. This article is devoted to the process of studying gaps in the Uzbek language.

**Keywords:** term, gap, Uzbek language, scientific, linguistics.

Лакуна термини канадалик тилшунослар томонидан илмий муомалага киритилган бўлсада, у ўзбек тилшунослиги ва таржимашунослигидан мустаҳкам ўрин олди. Натижада ўзбек тилшунослигида махсус «лакунология» соҳаси вужудга келди.

Шу билан бирга, эквивалентсиз лексикага мансуб атама, сўзлар (реалия, эквивалентсиз бирлик ва х.к.)дан ташқари яна лакунага оид бир қанча лингвистик категориялар, атамалар ва тушунчалар пайдо бўлди. Жумладан, лакунология, лакунарлик феномени (ходисаси), лакуна, лакунар бирлик, лакуна воқеланувчи тил фоно каби тушунчалар борасида умумлаштирувчи, изоҳли ва таҳлилий шаклдаги илмий ишлар сони анча кўпайди.

Лакунология соҳасида самарали ишлар олиб борган G.V.Vikova мазкур тушунчага қуйидагича таъриф беради: “Лакуна лексема шаклида моддий мужассамланмаган, бироқ концептнинг коммуникатив талаби билан синтактик даражада объектив воқеланиш хусусиятига эга виртуал лексик моҳият, семемадир”. Ушбу таърифдан келиб чиққан ҳолда, лакунанинг асосий белгилари сифатида „моддий мужассамланмаган”, “синтактик даражада объектив воқеланган”, “виртуал лексик моҳият” каби хусусиятларни кўрсатиш мумкин.

Турли тиллардаги матнларни солиштирсак, кўпинча бир тилнинг лексик бирлиги бошқа тилда лексик эквивалентини топа олмаслигини кўришимиз мумкин. Замонавий тилшуносликда бу ҳодиса “лакуна” тушунчаси билан изоҳланади. Кўпгина тадқиқотчилар тиллардаги ва маданиятлардаги тафовутларни кўриб чиқишда лакуна атамасини афзал

кўрадилар (лотинча лакуна чукурлашиш, тушкунлик, муваффақиятсизлик, бўшлик; французча ласуне бўшлик).

"Совет энциклопедик луғати"да тилшунослик ва адабий танқидда учровчи бу бўшлиққа нисбатан қуйидаги таъриф берилади: "матндаги бўшлик, бўшлик, етишмаётган жой". Лакунанинг филологик атама сифатидаги худди шундай таърифи "Хорижий сўзлар луғати"да ҳам учрайди.

Мулоқотда ҳатто сукут (жим туриш, гапирмаслик) ҳам новербал информация воситаси, услубий фигура сифатида иштирок этади ва ситуатив, социал ҳамда психологик факторлар билан боғлиқ ҳолда ўзига хос коммуникатив мазмун ифодалайди.

Албатта, сукут сўз ёки гаплардан фарқ қилиб, коммуникатив актдан ташқарида (масалан, уйқу, ёлғизлик ва шу каби ҳолатларда) коммуникатив мазмун ифода этмаслиги мумкин. Шунинг учун тилшунос олим В. В. Богданов "сукут новербал воситалардан саналиб, вазифасига кўра коммуникатив мазмунга эга ва коммуникатив мазмунга эга бўлмаган турлардан иборат бўлади" деган фикрни илгари суради. Олимлар коммуникатив актнинг муҳим бирлиги сифатида таокидлаётган сукут ва унинг мулоқотдаги ўрни ҳақида ўзбек тилшунослигида М. Саидхоновнинг кичик бир тезисидан бошқа жиддийроқ тадқиқотни тополмаган бўлсакда, Европа тилшунослигида бу мавзу бир қатор олимлар эътиборини ўзига жалб этганлигининг гувоҳи бўлдик.

Улар ўз изланишларида сукутнинг турли функцияларини очиб беришга ҳаракат қилганлар. Жумладан, К. Симмерман шу мавзуга оид мақоласида бир семантик майдонга кирувчи жимлик, пауза ва сукутларнинг ўзаро фарқли белгилари ҳақида фикр юритса, Т.Брюно коммуникация жараёнидаги сукут ва ёлғизликдаги жимликни ўзаро фарқлаш зарурлигини такидлайди. Дж. В. Енсен эса "Сукутнинг коммуникатив функциялари" номли мақоласида унинг қуйидаги вазифаларини алоҳида таокидлайди: алоқа функцияси (Линкаге), таъсир этиш (аффестинг), англаш (ревелатионал), мулоҳаза (жудгментал), ҳаракат (астиватинг). С. В. Крестинский "Диалогда сукутнинг коммуникатив юки" номли мақоласида бу масалага анча батафсил тўхталади ва сукутнинг саккиз муҳим функциясини изоҳлаб беради.

Бизнинг кузатишларимиз шундан далолат бермоқдаки, кўпгина халқларда сукут бирбирига яқин коммуникатив мазмун ифода этади. Жумладан, ўзбекларнинг "Сукут - аломати ризо" деган гапи русларнинг "Молчание - знак согласия" деган гапи билан айнан мос келса, немислар нутқида қўлланадиган "Keine Antwort ist auch eine Antwort", яъни "Жавоб бермасликнинг ўзи ҳам жавобдир" мазмунидаги гап "Аҳмоққа жавоб - сукут" деган ўзбек халқ мақоли мазмунига анча мос келади. Аммо "сўзнинг ҳақиқий ҳаёти контекст ичида" (А. А. Потебня) бўлгани каби, сукутнинг ҳақиқий коммуникатив мазмуни ҳам коммуникатив акт жараёнида ойдинлашади.

Ёзувчи Тилаволди Жўраевнинг "Шароит" номли ҳикоясида сукутнинг бир неча коммуникатив мазмун турлари беихтиёр санаб ўтилади: "...машинада алланечук сукунат зоҳир эди. Бу асло араз, гина, ўпка, таона, маломат сукути эмасди.

Бу сукут роз сукути эди.." Кўринадикки, коммуникатив акт билан боғлиқ ҳолда сукут бир қатор коммуникатив мазмун ифода этиши мумкин. Абдулла Қаҳҳорнинг "Анор" ҳикоясидан олинган қуйидаги парчада индамаслик аразлаш, хафа бўлиш ҳолатларини ифодалаш учун хизмат қилган:

“ - Мушак, - деди Туробжон, Муллажон қозининг боғида. Муллажон қози бешик тўйи қилган.

Хотини индамади.

- Шахардан тўралар ҳам чиққан, - деди Туробжон яна. Хотин яна индамади...”

Чунки бу пайтда Туробжоннинг бошқоронғи хотини ҳеч бўлмаса бир донагина анор топиб келолмаган эридан, қолаверса, замона зайлидан хафа. Унинг бу лаҳзадаги ҳолатини ҳеч қандай сўз билан ифода этиб бўлмайди. Шунинг учун бошқоронғи хотин ўз ички изтиробларини фақат индамаслик (сукут) орқалигина изҳор қилади.

Сукут ифодалайдиган коммуникатив мазмунлардан яна бири бу, таҳқирлашнинг бутунлай акси, яони ҳурмат мазмунидир. Буни эсхуши жойида бўлган кишиларнинг суҳбатдошлар, айниқса, эътиборли одамлар ҳузурида иложи борича тилни тийиб туришга ҳаракат қилишларидан, уларнинг гапларини “чурқ” этмай тинглашларидан ҳам билса бўлади.

Бази халқлар (масалан, туркманлар ва айрим кавказ, туркий халқлар)да келинларнинг қайнота ва қайноналарига маолум муддат (асосан, фарзандли бўлгунларига қадар) гапирмаслик одатлари ҳам сукунатнинг ҳурмат мазмунини ифодалашлиги билан боғлиқдир.

Юқоридагилардан ташқари, сукут, менсимаслик, кесатик, киноя ва бошқа қатор коммуникатив мазмунларни ҳам ифода этадики, буларнинг ҳар бирини турли тил вакиллари МХ мисолида қиёсий жиҳатдан таҳлил этиш талаб этилади.

Юқоридаги тадқиқотлардан хулоса қилган ҳолда, шуни таъкидламоқчимизки, лакуна ҳодисаси, асосан, икки ёки ундан ортиқ миллат маданияти солиштирилганда, ёки таржима ишларида ва мулоқот жараёнида юзага келувчи, айнан шу ўринларда ўзини яққол намоён қилувчи ҳодисадир. Аммо лакуна фақат тиллараро эмас, балки бир тил доирасида ҳам кузатилади.

## REFERENCES

1. Fatxiddinova I. F. Lingvomadaniyatshunoslikda lakuna hodisasi//ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ. Выпуск №24 (том 3) (март,2022).
2. Гак В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. - Л.: Просвещение. Ленингр. отд-ние, 1977. - 300 с.
3. Жельвис В.И. К вопросу о характере русских и английских лакун //Национально-культурная специфика речевого поведения. - М.: Наука, 1977. - С. 136 - 146.
4. Жельвис В.И., Марковина И.Ю. Опыт систематизации англо-русских лакун// Исследование проблем речевого общения. - М.: Наука, 1979. - 214 с
5. Огурцова О.А. К проблеме лакунарности //Функциональные особенности лингвистических единиц: Сб. трудов Кубанского ун-та. Вып.3. -Краснодар: Издво Кубанского ун-та., 1979. - С. 77 - 83.
6. Богданов В.В. Мольчание как нулевой речевой знак и его роль в вербальной коммуникации // Языковое общение и его единицы. – Калининг, 1986.
7. Муминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-исоний хусусиятлари. Филол.фанлд докт.диссертацияси. Тошкент, 2000.
8. Русча-ўзбекча луғат. 2 томли, 1- том. – Тошкент, 1983. 4. Худойберганова Д. Лингвокултурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент, 2015.